

“ТАСДИҚЛАЙМАН”



“НКМК” АЖ Бошқарув раиси – Бош директори

Қ.С. Санакулов

“4” 03 2026 йил

“Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг 2025 йил 25 октябрдаги 789-сонли буйруғига асосан ўтказилган коррупциявий ва комплаенс хавф-хатарларни аниқлаш ҳамда баҳолаш натижалари бўйича уларни бартараф этиш, келгусида олдини олиш, мувофиқликни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш
ДАСТУРИ

№	Коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш чора-тадбирлари	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар
1.	Бош директорнинг иқтисод ва молия бўйича ўринбосари лавозимининг номланишини ўзгариши натижасида юкланган қўшимча вазифаларни тартибга солиш (1.1.3.)	Бош директорнинг иқтисод ва молия бўйича ўринбосари лавозимининг номланиши Бош директорининг молия, трансформация ва хусусийлаштириш бўйича биринчи ўринбосарига ўзгариши натижасида лавозим йўриқномаси қайта ишлаб чиқиш. Мазкур ҳужжатни тасдиқлаш ва амалиётга жорий этиш.	2026 йил 1 апрель 2026 йил 1 май	Меҳнатни ташкил этиш ва иш ҳақи бўлими (Турсунов) Бош директорининг молия, трансформация ва хусусийлаштириш бўйича биринчи ўринбосари (Хасанов)
2.	“НКМК” АЖнинг узок муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш (22.1.3.)	“НКМК” АЖни трансформация қилиш дастурининг асосий йўналишлари бўйича “НКМК” АЖнинг узок муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш. Мазкур стратегияни тасдиқлаш ва амалиётга жорий этиш.	2026 йил 1 октябрь 2026 йил 31 декабрь	Лойиҳа офиси (Трансформация бошқармаси) директори (Назаров) Стратегик ривожланиш ва истиқболли лойиҳалар бўлими (Ортиқов)

3.	Лойиҳа офисининг йиллик режасини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш (22.2.3)	Лойиҳа офисининг йиллик режасини бўлимлар кесимида ишлаб чиқиш. Мазкур ҳужжатни тасдиқлаш ва амалиётга жорий этиш.	2026 йил 15 март 2026 йил 31 март	Лойиҳа офиси (Трансформация бошқармаси) (Назаров)
4.	Жамиятнинг 2026-2027 йилларга мўлжалланган коммуникация стратегиясини (PR стратегия) ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш (22.12.3)	Жамиятнинг халқаро майдонда тан олинishi учун 2026-2027 йилларга мўлжалланган коммуникация стратегиясини (PR стратегия) ишлаб чиқиш. Мазкур ҳужжатни тасдиқлаш ва амалиётга жорий этиш.	2026 йил 1 апрель 2026 йил 30 май	Лойиҳа офиси (Трансформация бошқармаси) (Назаров) Ташкилий ривожланиш бўлими (Косимова)
5.	Атроф-муҳитни бошқариш (экологик менежмент) тизимини жорий этиш учун зарур бўлган ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш (22.14.3)	Жамиятда атроф-муҳитни бошқариш (экологик менежмент) тизимини жорий этиш учун зарур бўлган қуйидаги ҳужжатларни ишлаб чиқиш: 1.Экологик менежмент тизими тўғрисидаги низом. 2.Экологик жиҳатлар ва таъсирлар реестри. 3.Экология соҳасидаги хатарлар ва имкониятлар матрицаси. 4.Экологик менежмент тизими ҳужжатлари ва ёзувларини бошқариш тартиби. 5.Экологик менежмент тизими бўйича ички аудитларни ўтказиш тартиби.	2026 йил 31 декабрь	Лойиҳа офиси (Трансформация бошқармаси) директори (Назаров) Атроф-муҳит ва барқарор ривожланиш (ESG) бўлими (Самойленко) Атроф-муҳит муҳофазаси бўлими (Бақоев)
6.	Минерал ресурслар бўлимида содир этилиши мумкин бўлган комплаенс хавф-хатарларни камайтириш (8.1.3)	Жамиятнинг Ts 30745022-422:2022 “Таркибий бўлинмалар ҳақида низомларни ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш қоидалари”га мувофиқ Минерал ресурслар бўлим Низоми ва Ts 30745022-421:2022 стандарти “Раҳбар, мутахассис ва хизматчиларни лавозим йўриқномаларини тузиш ва ўзгартириш қоидалари”га мувофиқ бўлим ходимларининг лавозим йўриқномасини ишлаб чиқиш. Мазкур ҳужжатларни тасдиқлаш ва амалиётга жорий этиш.	2026 йил 1 май 2026 йил 1 июнь	Минерал ресурслар бўлими (Нажмиддинов) Меҳнатни ташкил этиш ва иш ҳақи бўлими (Турсунов)

7.	“НКМК” АЖда ўрнатилган қуёш фотоэлектр станциялари самарадорлигини мониторинг қилиш (11.3.3, 11.5.3.)	“НКМК” АЖ таркибий бўлинмаларида ўрнатилган қуёш фотоэлектр станциялари техник ҳолатини жойига чиққан ҳолда ўрганиш. Энергия ишлаб чиқариш самарадорлигини баҳолаш, аниқланган камчиликларни бартараф қилиш бўйича тегишли чоралар кўриш, самарадорликни таъминлаш.	2026 йилнинг ҳар ярим йили якуни бўйича	Бош энергетик (Гуламов) Таркибий бўлинмалар бош энергетиклари
8.	Атроф-муҳит муҳофазаси бўлимида содир этилиши мумкин бўлган комплаенс хавф-хатарларни камайтириш (18.1.3)	Жамиятнинг Ts 30745022-422:2022 “Таркибий бўлинмалар ҳақида низомларни ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш қоидалари”га мувофиқ Атроф-муҳит муҳофазаси бўлим Низоми ва Ts 30745022-421:2022 стандарти “Раҳбар, мутахассис ва хизматчиларни лавозим йўриқномаларини тузиш ва ўзгартириш қоидалари”га мувофиқ бўлим ходимларининг лавозим йўриқномасини ишлаб чиқиш. Мазкур ҳужжатларни тасдиқлаш ва амалиётга жорий этиш.	2026 йил 1 май 2026 йил 1 июнь	Атроф-муҳит муҳофазаси бўлими (Бақоев) Меҳнатни ташкил этиш ва иш ҳақи бўлими (Турсунов)
9.	Ички ёнув двигателларини таъмирлаш цехи мутахассисларни жалб қилиш бўйича электрон дастур орқали буюртма бериш имконини яратиш (13.32.3)	“НКМК” АЖ бўлинмаларида фойдаланиб келинаётган гидравлик экскаваторлари, бурғилаш дастгоҳлари, кон автоағдаргичлари, йўл-қурилиш машиналари ва механизмларига ўрнатилган ички ёнув двигателларида юзага келган носозликларни бартараф этиш учун Транспорт департаменти Ички ёнув двигателларини таъмирлаш цехи мутахассисларининг келиши учун буюртмаларни шакллантириш жараёнларини рақамлаштириш. Бунда жамиятда мавжуд бўлган ва амалиётда фойдаланилаётган дастурий маҳсуллардан самарали фойдаланиш.	2026 йил 1 апрель <i>(Тармоқ харитасини ишлаб чиқиши)</i> 2026 йил 1 июль <i>(Техник шарт ишлаб чиқиши)</i> 2026 йил 1 ноябрь <i>(Дастурни яратиш, синондан ўтказиши)</i> 2026 йил 31 декабрь <i>(Дастурни амалиётга жорий қилиши)</i>	Транспорт бўйича директор (Эргашев) Транспорт бошқармаси бошлиғи (Исраилов) Ахборот технологиялари ва рақамлаштириш бўйича директор (Давлатов)
10.	Ички ёнув двигателларини таъмирлаш цехида содир	Жамиятнинг Ts 30745022-422:2022 “Таркибий бўлинмалар ҳақида низомларни ишлаб чиқиш,		Транспорт бўйича директор (Эргашев)

	этилиши мумкин бўлган комплаенс хавф-хатарларни камайтириш (13.27.3)	келишиш ва тасдиқлаш қоидалари”га мувофиқ Ички ёнув двигателларини таъмирлаш цехи тўғрисидаги Низом ва Ts 30745022-421:2022 стандарти “Раҳбар, мутахассис ва хизматчиларни лавозим йўриқномаларини тузиш ва ўзгартириш қоидалари”га мувофиқ бўлим ходимларининг лавозим йўриқномасини ишлаб чиқиш. Мазкур ҳужжатларни тасдиқлаш ва амалиётга жорий этиш.	2026 йил 1 июль 2026 йил 1 сентябрь	Транспорт бошқармаси бошлиғи (Исраилов) Меҳнатни ташкил этиш ва иш ҳақи бўлими (Турсунов)
11.	Ёқилғи маҳсулотлари олиш жараёнини тезкор таҳлил қилиш ва ҳисоботларини юритиш имкониятини берадиган, талон-торож қилинишини олдини олишга хизмат қиладиган дастурий таъминот яратиш (13.18.3)	Технологик транспортларга ёқилғи тарқатиш жараёнини рақамлаштириш мақсадида Garveks Kvota-3 ускунаси орқали амалга ошириш тизимини яратиш. Натижада ёқилғи тарқатиш жараёнида инсон омилини камайтириш, ёқилғини белгиланган миқдорда пластик карта орқали тарқатиш ва ёқилғи олиш жараёнини шаффофлиги таъминлаган ҳолда технологик транспортларни туриб қолишини қисқартиришга эришилади. Бунда жамиятда мавжуд бўлган ва амалиётда фойдаланилаётган дастурий маҳсуллардан самарали фойдаланиш.	2026 йил 1 апрель (Тармоқ харитасини ишлаб чиқиш) 2026 йил 1 май (Техник шарт ишлаб чиқиш) 2026 йил 1 ноябрь (Дастурни яратиш, синондан ўтказиш) 2026 йил 31 декабрь (Дастурни амалиётга жорий қилиш)	Транспорт бўйича директор (Эргашев) Транспорт бошқармаси бошлиғи (Исраилов) Ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи (Пулатов) Ахборот технологиялари ва рақамлаштириш бўйича директор (Давлатов)
12.	“НКМК” АЖ бўлинмаларида мавжуд лабораторияларда ёқилғи-мойлаш материалларининг намуналарини онлайн режимда кўринишини таъминлайдиган дастурий таъминот яратиш (13.11.3)	“НКМК” АЖ бўлинмаларида фойдаланиб келинаётган автотранспорт воситалари, йўл-қурилиш машиналари ва механизмларининг ёқилғи-мойлаш материаллари сифатини белгиланган меъёрлар асосида текшириш ва лаборатория таҳлилларидан тезкор ўтказишни жараёнини рақамлаштириш. Бунда жамиятда мавжуд бўлган ва амалиётда фойдаланилаётган дастурий маҳсуллардан самарали фойдаланиш.	2026 йил 1 апрель (Тармоқ харитасини ишлаб чиқиш) 2026 йил 1 май (Техник шарт ишлаб чиқиш) 2026 йил 1 октябрь (Дастурни яратиш, синондан ўтказиш) 2026 йил 1 декабрь (Дастурни амалиётга жорий қилиш)	Транспорт бўйича директор (Эргашев) Транспорт бошқармаси бошлиғи (Исраилов) Ахборот технологиялари ва рақамлаштириш бўйича директор (Давлатов)

13.	<p>“НКМК” АЖ йўл станциясиларида темир йўл тарозиси олдига вагонлар келиб кетишини аниқлаш учун ақилли камераларни ўрнатиш (13.26.3)</p>	<p>“НКМК” темир йўл вагонлардан самарали ва оқилона фойдаланиш, яъни (бошқа ташилотлардан ижарага олинган вагонлар айланмаси назорати, таъмирга тўхтатиш каби сабабларга инсон омилини чеклаш) йўл станциясиларида темир йўл тарозиси олдига вагонлар келиб кетишини аниқлаш учун рақамли камера ўрнатган ҳолда кузатиш имконини яратиш.</p> <p>Бунда жамиятда мавжуд бўлган ва амалиётда фойдаланилаётган дастурий маҳсуллардан самарали фойдаланиш.</p>	<p>2026 йил 1 апрель (Тармоқ харитасини ишлаб чиқиш) 2026 йил 1 июнь (Техник шарт ишлаб чиқиш) 2026 йил 1 август (Камера ва ускуналарни харид қилиш) 2026 йил 1 октябрь (Камера ва ускуналарни ўрнатиш) 2026 йил 1 ноябрь (Дастурни яратиш, синондан ўтказиш) 2026 йил 1 декабрь (Дастурни амалиётга жорий қилиш)</p>	<p>Транспорт бўйича директор (Эргашев) Транспорт бошқармаси бошлиғи (Исраилов) Харидлар бўйича директор (Амонов) Ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи (Пулатов) Ахборот технологиялари ва рақамлаштириш бўйича директор (Давлатов)</p>
14.	<p>Халқаро ҳамкорлик ва инвесторлар билан муносабатлар (IR) бўлимида содир этилиши мумкин бўлган комплаенс хавф-хатарларни камайтириш (23.1.3)</p>	<p>Жамиятнинг Ts 30745022-422:2022 “Таркибий бўлинмалар ҳақида низомларни ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш қоидалари”га мувофиқ бўлим Низоми ва Ts 30745022-421:2022 стандарти “Раҳбар, мутахассис ва хизматчиларни лавозим йўриқномаларини тузиш ва ўзгартириш қоидалари”га мувофиқ бўлим ходимларининг лавозим йўриқномасини ишлаб чиқиш.</p> <p>Мазкур ҳужжатларни тасдиқлаш ва амалиётга жорий этиш.</p>	<p>2026 йил 1 май 2026 йил 1 июнь</p>	<p>Халқаро ҳамкорлик ва инвесторлар билан муносабатлар (IR) бўлими (Раҳматуллоев) Меҳнатни ташкил этиш ва иш ҳақи бўлими (Турсунов)</p>
15.	<p>Марказлашган бухгалтерия хизмати ҳамда ҳудудий бўлинмалар бухгалтерия хизматлари ўртасидаги ҳисоботлар, ахборотлар алмашинуви ва қайта ишлаш жараёнини тезкорлигини таъминлаш (28.8.3)</p>	<p>Жамиятнинг молиявий-хўжалик жараёнларини назорат қилиш, бўлинмалардан олинадиган маълумотларнинг тезкорлиги ҳамда ҳаққонийлигини таъминлаш мақсадида Жамиятнинг барча бўлинмалари учун мажбурий бўлган бухгалтерия ҳисобининг “1С:Предприятие Бухгалтерия для Узбекистана” босқичма-босқич жорий этишни бошлаш.</p>	<p>2026 йил 1 июль</p>	<p>Марказлашган бухгалтерия хизмати (Новикова, Ишбутаев) Ахборот технологиялари ва рақамлаштириш бўйича директор (Давлатов)</p>

16.	<p>Марказлаштирилган бухгалтерия хизмати ва худудий бўлинмалар бухгалтерия хизматлари содир этилиши мумкин бўлган комплаенс хавф-хатарларни камайтириш (28.15.3, 28.21.3, 28.27.3, 28.30.3, 28.86.3)</p>	<p>Жамиятнинг Ts 30745022-422:2022 “Таркибий бўлинмалар ҳақида низомларни ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш қоидалари”га мувофиқ Марказлаштирилган бухгалтерия хизмати Дебитор-кредитор қарздорликлар ва аккредитивлар ҳисоби бўйича бўлими, Капитал маблағлар ҳисоби бўлими, Бухгалтерия ҳисоби методологияси ва МҲХС ҳисоботини тайёрлаш бўлимлари ҳамда Марказий кон бошқармаси ва Зарафшон қурилиш бошқармаси бухгалтерия хизматлар Низомлари, Ts 30745022-421:2022 стандарти “Раҳбар, мутахассис ва хизматчиларни лавозим йўриқномаларини тузиш ва ўзгартириш қоидалари”га мувофиқ ходимларнинг лавозим йўриқномасини ишлаб чиқиш.</p> <p>Мазкур ҳужжатларни тасдиқлаш ва амалиётга жорий этиш.</p>	<p>2026 йил 1 май</p> <p>2026 йил 1 август</p>	<p>Бош бухгалтер (Новикова) МКБ Бош бухгалтери (Қодиров) ЗҚБ Бош бухгалтери (Ламаев) Меҳнатни ташкил этиш ва иш ҳақи бўлими (Турсунов)</p>
17.	<p>Жамият ва унинг таркибий бўлинмаларининг кадрларни очиқ танлов асосида ишга қабул қилиш жараёнида содир этилиши мумкин бўлган комплаенс хавф-хатарларни камайтириш. (30.4.3)</p>	<p>Ишга киришда танлов эълон қилинган вақант иш ўринлари бўйича электрон сайт орқали ҳужжат топширган номзодларнинг ҳужжатларини мувофиқлигини ярим автомат тизим орқали баҳолаш ва инсон омилини камайтириш учун дастур яратиш. Бунда сунъий интелект ёрдамни жорий қилиш.</p> <p>Ишга киришда танлов эълон қилинган вақант иш ўринлари бўйича ҳужжат топширмоқчи бўлган номзодларнинг ҳужжатларини қабул қилишда қулайлик яратиш ва тўғри расмийлаштириш учун телеграм бот орқали маълумотларни киритиш тизимини жорий қилиш. Бунда номзодлар томонидан расмий телеграм бот орқали ҳужжатлар топшириш тизимини йўлга қўйиш.</p>	<p>2026 йил 1 апрель <i>(Тармоқ харитасини ишлаб чиқиш)</i> 2026 йил 1 август <i>(Дастурни яратиш, синондан ўтказиш)</i> 2026 йил 1 октябрь <i>(Дастурни амалиётга жорий қилиш)</i></p>	<p>Инсон ресурслари бўйича директор (Хошимов) Ахборот технологиялари ва рақамлаштириш бўйича директор (Давлатов)</p>

18.	<p>Жамият ва унинг таркибий бўлинмаларида квота орқали ишга қабул қилинишида mehnat.uz платформаси орқали ходимлар ҳақидаги маълумотларга ишлов беришда комплаенс хавф-хатарларни камайтириш. (30.5.3)</p>	<p>Mehnat.uz платформасида ходимлар тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш уларга ишлов беришда, барча бўлинмаларнинг масъуллари (кадрлар бўлими масъул ходими) учун махсус электрон калит (TOKEN) орқали кириш тартибини жорий этиш ва бу орқали бўлинмалар кесимида фақат ўзларига тегишли ходимлар ҳақидаги маълумотларга ишлов берилишини таъминлаш. Бунда бошқа бўлинмаларнинг ходимлари ҳақидаги маълумотларига ишлов берилишини олдини олиш ва масъулларга жавобгарликни юклаш тизимини жорий қилиш.</p> <p>USB token ключ билан кадрлар бўлими масъул ходимларини таъминлаш.</p>	<p>2026 йил 1 июнь</p> <p>2026 йил 1 июнь (token ключ харид қилиши)</p> <p>2026 йил 1 июль (token ключни ўрнатиб бериши)</p>	<p>Инсон ресурслари бўйича директор (Хошимов)</p> <p>Харидлар бўйича директор (Амонов)</p> <p>Ахборот технологиялари ва рақамлаштириш бўйича директор (Давлатов)</p>
19.	<p>Жамият ва унинг таркибий бўлинмаларда ходимларга оид ҳужжатларни расмийлаштириш соҳасида комплаенс хавф-хатарларни камайтириш. (30.11.3)</p>	<p>Жамият ва унинг таркибий бўлинмаларда ходимларга оид расмийлаштирилган ҳужжатларни (буйруқ, меҳнат шартномаси, баённомалар ва ҳ.к.) тегишли бўлимларга (бухгалтерия, МТЕваИХ, тартибот ва ҳ.к.) қоғоз шаклида (асл нусха, кўчирма ва ҳ.к.) тақдим этилишидан воз кечган ҳолда мавжуд дастурий таъминот (1С дастури) орқали иш юзасидан фойдаланишда юклаш ва сақлаш чораларини кўриш. Бунда кадрлар бўлими томонидан расмийлаштирилган кадрларга оид ҳужжатларни фақат бир нусхада чоп этиш ва тегишли бўлимларга маълум қилиш учун дастурий таъминотга юклаш (PDF шаклда) орқали бюрократик сансолорликни олдини олиш.</p>	<p>2026 йил 1 май</p>	<p>Инсон ресурслари бўйича директор (Хошимов)</p> <p>Меҳнатни ташкил этиш ва иш ҳақи бўлими (Турсунов)</p>

20.	<p>Зарафшон қурилиш бошқармаси маҳаллийлаштириш ва саноат кооперацияси жараёнларини аниқ тартибга солувчи ва назорат қилувчи ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва янгилаб бориш. (33.55.3)</p>	<p>Импорт қилинадиган маҳсулотлар ҳажми, номенклатурасини чуқур таҳлил қилган ҳолда маҳаллий хом ашё ва саноат кооперацияси асосида ЗҚБда маҳсулот, бутловчи буюмлар ҳамда материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнида ҳар бир ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар калкуляцияни, маҳсулот ишлаб чиқаришда унга сарфланадиган хом-ашё ҳажми тартибга солувчи механизм ва регламентни қайта ишлаб чиқиш ва иш жараёнига қўллаш.</p> <p>Ишлаб чиқариш жараёнида хом-ашёларнинг ортиқча (кераксиз) бўлиб қолишини олдини олиш юзасидан таҳлиллар ўтказиб, ушбу ҳолатларни тартибга солувчи ички регламентни қайта ишлаб чиқиш уни амалиётга қўллаш.</p> <p>Мазкур ҳужжатни тасдиқлаш ва амалиётга жорий этиш.</p>	<p>2026 йил 1 июнь</p> <p>2026 йил 31 август</p>	<p>Зарафшон қурилиш бошқармаси (Ҳасанов) Капитал қурилиш бошқармаси (Расулов)</p>
21.	<p>Харидлар департаменти директорининг лавозим йўриқномасини ишлаб чиқиш. (34.35.3)</p>	<p>Жамиятнинг Ts 30745022-422:2022 “Таркибий бўлинмалар ҳақида низомларни ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш қоидалари”га мувофиқ Харидлар департаментининг бошқарма, бўлимлари ва Ts 30745022-421:2022 стандарти “Раҳбар, мутахассис ва хизматчиларни лавозим йўриқномаларини тузиш ва ўзгартириш қоидалари”га мувофиқ Харидлар бўйича директорнинг ҳамда ходимларининг лавозим йўриқномаларини ишлаб чиқиш.</p> <p>Мазкур ҳужжатларни тасдиқлаш ва амалиётга жорий этиш.</p>	<p>2026 йил 1 июль</p> <p>2026 йил 1 август</p>	<p>Харидлар бўйича директор (Амонов) Маҳаллийлаштириш, эҳтиёжларни режалаштириш ва захираларни бошқариш бошқармаси (Данилина) Меҳнатни ташкил этиш ва иш ҳақи бўлими (Турсунов)</p>

22.	Харид бўйича ҳужжат ва маълумотларни ягона дастурда кўриш имкониятини яратиш (35.4.3)	Жамият томонидан контрагентлар билан расмийлаштириладиган шартномаларга асос бўлиб ҳисобланувчи “Ордер” дастури орқали шаклланган Техник топшириқларни “Договор” дастурида кўриш имкониятини яратиш.	2026 йил 1 апрель (Тармоқ харитасини ишлаб чиқиши) 2026 йил 1 май (Техник шарт ишлаб чиқиши) 2026 йил 1 август (функцияни “Договор” дастурида яратиши)	Маҳаллийлаштириш, эҳтиёжларни режалаштириш ва захираларни бошқариш бошқармаси (Данилина) Ахборот технологиялари ва рақамлаштириш бўйича директор (Давлатов)
23.	Жамоатчилик билан алоқалар департаментида содир этилиши мумкин бўлган комплаенс хавф-хатарларни камайтириш (37.1.3)	Жамиятнинг Ts 30745022-421:2022 стандарти “Раҳбар, мутахассис ва хизматчиларни лавозим йўриқномаларини тузиш ва ўзгартириш қоидалари”га мувофиқ Жамоатчилик билан алоқалар департаменти директорининг лавозим йўриқномасини ишлаб чиқиш. Мазкур ҳужжатни тасдиқлаш ва амалиётга жорий этиш.	2026 йил 1 май 2026 йил 1 июнь	Жамоатчилик билан алоқалар департаменти (Раунов) Меҳнатни ташкил этиш ва иш ҳақи бўлими (Турсунов)
24.	Марказий кон бошқармаси Автомобиль транспорти бошқармасининг юрисконсулт лавозим йўриқномасига ва структурасига ўзгартириш киритиш (38.4.3.)	МКБ АТБнинг юрисконсулт лавозим йўриқномасига 1-бандини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.01.2017 йилдаги ПҚ-2733-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисида”ги Низом талабига мувофиқлаштирган ҳолда ўзгартириш киритиш (юрисконсултни буйсинувини ўзгартириши). Юрисконсулт буйсинувини Автомобиль транспорти бошқармаси раҳбаридан чиқариб МКБ Юридик бўлим таркибига киритиш бўйича структурага ўзгартириш киритиш.	2026 йил 1 май 2026 йил 1 июнь	Бош юрисконсулт (Хайтова) Меҳнатни ташкил этиш ва иш ҳақи бўлими (Турсунов) Марказий кон бошқармаси (Мустақимов)
25.	Фавқулотда вазиятлар бўлимида содир этилиши мумкин бўлган комплаенс хавф-хатарларни камайтириш (40.1.3, 40.8.3)	Жамиятнинг Ts 30745022-422:2022 “Таркибий бўлинмалар ҳақида низомларни ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш қоидалари”га мувофиқ Фавқулотда вазиятлар бўлим Низоми ва	2026 йил 1 июль	Фавқулотда вазиятлар бўлими (Шодмонов) Меҳнатни ташкил этиш

		<p>Ts 30745022-421:2022 стандарти “Раҳбар, мутахассис ва хизматчиларни лавозим йўриқномаларини тузиш ва ўзгартириш қоидалари”га мувофиқ бўлим ходимларининг лавозим йўриқномасини ишлаб чиқиш.</p> <p>Мазкур ҳужжатларни тасдиқлаш ва амалиётга жорий этиш.</p>	2026 йил 1 октябрь	ва иш ҳақи бўлими (Турсунов)
26.	<p>Ишчи-ходимлари учун даволаш профилактик овқатлантириш тартибга солиш ва ушбу жараёнларни рақамлаштириш (45.5.3, 45.14.3)</p>	<p>Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг 18.02.2005 йилдаги Санитария қоида ва меъёрлари талаблари ҳамда “НКМК” АЖнинг амалдаги “Жамоа шартномаси” 4-бўлими 12-моддасига кўра, тегишли стандартларга мувофиқ (1, 2, 3, 4, 5-овқатлантириш рационлари) бепул даволаш-профилактик овқатлантириш хизмати кўрсатилишини ташкиллаштириш жараёнларни инсон омилини қисқартириш ҳамда ортиқча сарф-харажатларни олдини олиш мақсадида рақамлаштириш.</p> <p>Бунда жамиятда мавжуд бўлган ва амалиётда фойдаланилаётган дастурий маҳсуллардан самарали фойдаланиш.</p> <p>Мазкур жараёнларни тартибга солувчи ҳужжат ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p>	<p>2026 йил 1 апрель (Тармоқ харитасини ишлаб чиқиш)</p> <p>2026 йил 1 май (Техник шарт ишлаб чиқиш)</p> <p>2026 йил 1 август (Дастурни яратиб, синовдан ўтказиш)</p> <p>2026 йил 1 декабрь (Дастурни амалиётга тўлиқ жорий қилиш)</p> <p>2026 йил 1 апрель</p>	<p>Корпоратив ижтимоий масъулиятлар бўлими (Саидов)</p> <p>Ахборот технологиялари ва рақамлаштириш бўйича директор (Давлатов)</p> <p>Корпоратив ижтимоий масъулиятлар бўлими (Саидов)</p>
27.	<p>Лондон фонд биржаси (LSE) талабларига мувофиқ, Chartered Governance Institute (CGI) (аввал ICSA) томонидан бериладиган махсус малака сертификатини олиши (49.7.3.)</p>	<p>Корпоратив котибият ходимлари Лондон фонд биржаси (LSE) талабларига мувофиқ, Chartered Governance Institute (CGI) (аввал ICSA) томонидан бериладиган махсус малака сертификатини олиш учун малака ошириши ва тегишли сертификатини олиши бўйича шартнома расмийлаштириш.</p> <p>Корпоратив котибият ходимларини малакасини ошириш ва натижаси бўйича тегишли сертификатни олиш.</p>	<p>2026 йил 1 октябрь</p> <p>2026 йил 30 ноябрь</p>	<p>Корпоратив маслаҳатчи (Муртазаев)</p> <p>Инсон ресурслари бўйича директор (Хошимов)</p>

